

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТАШПУЛАТОВА МАКТУБА МУХАМЕДАЛИ ҚИЗИ

**ЭРТА РЕВМАТОИД АРТРИТНИНГ КЛИНИК КЕЧИШИНING ЎЗИГА
ҲОСЛИГИ ВА ТАШХИСЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ташпулатова Мактуба Мухамедали қизи

Эрта ревматоид артритнинг клиник кечишининг ўзига ҳослиги ва
ташхислашнинг замонавий жиҳатлари..... 3

Ташпулатова Мактуба Мухамедали қизи

Особенности клинического течения и современные аспекты
диагностики раннего ревматоидного артрита..... 27

Tashpulatova Maktuba Mukhamedali qizi

Features of the clinical course and modern aspects of the diagnosis of early
rheumatoid arthritis..... 49

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ
List of published scientific works..... 53

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТАШПУЛАТОВА МАКТУБА МУХАМЕДАЛИ ҚИЗИ

ЭРТА РЕВМАТОИД АРТРИТНИНГ КЛИНИК КЕЧИШИНИНГ
ЎЗИГА ҲОСЛИГИ ВА ТАШХИСЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ЖИҲАТЛАРИ

14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1155 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Набиева Дилдора Абдумаликовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар

Хамраев Аброр Асрарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Абдуллаев Акбар Хатамович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Форобий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А. Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.И. Пулатова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш Илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор, академи

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ревматоид артритнинг (РА) эрта даври бу касалликнинг шартли равишда ажратилган клиник ва патогенетик босқичи бўлиб, бир йилгача давом этадиган фаол синовит билан характерланади. Қатор олимларнинг маълумотларига кўра, «...РАнинг жуда эрта босқичида ташхислаб, фаол даволаниш олиб борилган бўлса, 6 ойдан сўнг беморларнинг 47%, бир йилдан сўнг эса 58,1%и орасида клиник-лаборатор ремиссияга эришиш мумкин бўлади...»¹. Шу сабабли, у билан касалланган беморларни даволашнинг муҳим шарти эрта босқичларда аниқлаб, даво чораларини кўришдир. Бўғимлардаги эрозив ва деструктив ўзгаришларнинг тахминан 70% ҳолатлари касаллик бошлангандан бошлаб дастлабки 3-6 ой ичида ривожланиб боришини аниқланганлиги РАнинг эрта босқичини тиббий ва ижтимоий долзарблигини белгилаб беради.

Жаҳонда РАни самарали даволаш эрта ташхислаш ҳамда муқобил базис даво олиб борган ҳолда касалликни мунтазам назорат қилиб боришга қаратилган бўлсада, унга эрта босқичларда ташхис қўйиш учун юқори сезувчанлик ва махсусликка эга бўлган биомаркёрларни аниқлаш бўйича кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу изланишларнинг моҳияти касаллик мезонлари бўйича ревматоид омил ва циклик цитруллинланган пептидга қарши антитаналар аниқланмаган беморларга РА ташхисини эрта босқичларда қўйиш ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, 14-3-3η оксиленинг РАда тутган ўрни, унинг диагностик, патогенетик ва прогностик аҳамиятини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳоли орасида турли хавфли касалликларни олдини олиш, ташхислаш ва даволаш борасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ҳамда касалликларни профилактика қилиш...»² каби муҳим вазифалар тиббиёт ходимлари зиммасига юкланмоқда. Мазкур вазифаларни амалга оширишда оилавий шифокорлар ва ревматологлар томонидан кўрсатиладиган тиббий хизмат даражасини ошириш ва хавф омилларини бартараф этиш ҳамда эрта ташхислашни янада такомиллаштириш, аҳоли

¹Vermeer M., Kuper H., Hoekstra M., et al. Implementation of a treat to target strategy in very early rheumatoid arthritis: Results of the DREAM remission induction cohort. // Arthritis Rheum.- 2011.- Vol.63.- №10.-pp.-2865-2872

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

орасида бўғим касалликларини камайтириш билан бир қаторда РАни олдини олиш, ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника тараққиётининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналиш VI. "Тиббиёт ва фармакология" йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. РАга чалинган беморларни эрта аниқлашда уларнинг қон зардобидида 14-3-3η оксиленинг диагностика аҳамиятини ўрганиш жадал суратларда ўсиб бормоқда. Бу борада 14-3-3 оиласига таалуқли оксилларнинг тузилиши, уларнинг моҳияти ҳамда таянч ҳаракат тизимидаги биокимёвий жараёнларни бошқаришдаги таъсири батафсил таҳлил қилинган (Paulette M., 2005; Случанко Н.Н. ва ҳаммуал., 2010). Шунингдек, 14-3-3η оксиленинг молекуляр асослари, физиологик хусусиятлари, хужайраларнинг бўлиниши, апоптозни назорат қилиш ҳамда гормонларнинг ишлаб чиқаришидаги аҳамияти атрофлича баён этилган (Obsil T., Obsilova V. 2011). Чунончи, 14-3-3η оксилени тадқиқ қилиш мобайнида унинг РАни келиб чиқиши ва ривожланишидаги муҳим патогенетик механизмлари кўрсатиб ўтилган (Marotta A. ва ҳаммуал., 2012).

Сўнгги йилларда РАнинг эрта босқичларида 14-3-3η оксиленинг ишлаб чиқарилиши билан цитокинлар миқдори ўртасида чамбарчас алоқа мавжудлиги исботланган. Унга кўра, ўсма некроз омили-α (ЎНО-α) макрофагларда некроптозни фаоллаштириши орқали 14-3-3η оксиленинг секрециясини кучайтириши атрофлича ёритиб берилган (Тримова Г.Ш. ва ҳаммуал., 2020). Эрта РАни ташхислашда 14-3-3η оксиленинг аҳамиятини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотларнинг натижасига кўра, ушбу оксил касалликнинг жуда эрта босқичлариданоқ бўғимларнинг синовиал суюқлигида қон зардобига қараганда 5 баробар кўпроқ аниқланиши ўз исботини топган (Kilani R.T. ва ҳаммуал., 2007). Унинг РАни ташхислашдаги аҳамиятидан ташқари касалликни базис яллиғланишга қарши дори воситалари (БЯҚДВ) билан даволаш билан боғлиқ ҳолатлар ҳам асослаб берилган. Ўтказилган фармакотерапия асносида беморлардаги клиник ҳолатлар билан 14-3-3η оксиленинг ўртасидаги боғлиқлик таҳлил қилинган (Britsemmer K.C. ва ҳаммуал., 2013).

Шунингдек, РАни эрта даврларида ташхислаш бўйича олиб борилган метатахлилда 14-3-3η оксиленинг диагностик аҳамияти кенг ёритиб берилганлигидан ташқари (Wang D. ва ҳаммуал., 2020), унинг махсуслигининг ҳам юқори эканлиги исботланган (Othman M.I. ва ҳаммуал., 2020). РАга ўхшаш бўлган бўғим синдроми билан кечувчи бир қатор касалликлар ҳамда соғлом шахслар орасида 14-3-3η оксиленинг учраши бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларининг хулосалари ҳам ушбу маркёрнинг айнан РАни ташхислаш учун хос бўлган лаборатор текширув усули эканлигини тасдиқлаган (Valter P. ва ҳаммуал., 2014). 14-3-3η оксиленинг махсуслиги остеоартроз, тизимли қизил бўрича ҳамда псориастик артритли беморларда ўтказилган илмий тадқиқот ишларида ҳам ўз тасдиғини топган (El-Sherif W.T. ва ҳаммуал., 2015). РАни эрта ташхислаш бўйича ўтказилган проспектив когорт тадқиқотлар ёрдамида 14-3-3η оксиленинг циклик цитруллинланган пептидга қарши антитаналар ва/ёки ревматоид омил бўйича мусбат натижага эга бўлган ҳамда турғун артралгия кузатилаётган беморлардаги учраш даражаси аниқланган (Van Beers-Tas M.H. ва ҳаммуал., 2016).

РАни ташхислашга қаратилган таснифий мезонлар, иммунологик ҳамда асбобий текширув усулларининг мавжудлигига қарамасдан касалликни эрта босқичларда аниқлаш муайян қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Юқорида баён этилган фикрларни ҳисобга олиб, РАни эрта ташхислаш муаммоси унинг яқин ва узоқ муддатли оқибатларини ўрганиш билан узвий боғлиқ бўлиб, уни ечиш орқали касалликнинг ривожланиб боришини секинлаштириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконияти яратилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.070070 «Аутоиммун касалликларни эрта ташхислаш ва даволашга инновацион ёндашиш усулларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2019-2022 й).

Тадқиқотнинг мақсади ревматоид артритнинг эрта даврида касалликнинг ўзига хос клиник ҳусусиятларини аниқлаш ҳамда унга чалинган беморлар қон зардобидида 14-3-3η оксиленинг диагностик аҳамиятини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

РАнинг эрта давридаги клиник кечишини ўзига хос ҳусусиятларини аниқлаш;

РАнинг эрта давридаги клиник кўринишига нисбатан беморлар қон зардобидида 14-3-3η оксиленинг миқдорини ўзгаришини таҳлил қилиш;

Эрта РАни ташхислашда қон зардобидидаги 14-3-3η оксиленинг сезувчанлиги ва махсуслигини (спецификлигини) исботлаш;

Эрта РАга чалинган беморлар бўғимларидаги рентгенологик ўзгаришлар (МРТ) ва цитокинларнинг миқдорини 14-3-3η оксиленинг даражалари билан боғлиқлигини асослаш;

РАнинг эрта даврларида БЯҚДВнинг қўлланилиши асосида 14-3-3η оксили миқдорининг динамикасини баҳолаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг артрологик ихтисослашган амбулатор даволаш курси бўлимида диспансер назоратда турувчи, кардиоревматология, ревматология бўлимларида даволанаётган 102 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг қон зардоби, рентгенологик, магнит-резонансли томография текшириш усуллари ҳамда бўғим синдромининг динамикасини объектив ва субъектив кўрсаткичларини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник визуал аналог шкала (ВАШ), Health Assessment Questionnaire (HAQ) ва Ричи индекслари бўйича бўғим синдроми динамикасини ва даволаш самарадорлигини баҳолаш), биокимёвий, иммунологик (ревматоид омил, циклик цитруллинланган пептидга қарши антитана, 14-3-3η оксили), цитокинлар интерлейкин-6 (IL-6), IL-10, ЎНО-α) миқдори, асбобий (бўғимларнинг рентгенологик, магнит-резонансли томографияси) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

РАнинг эрта даврларида типик бўғим синдроми кузатилмаганда 14-3-3η оксилнинг миқдорини ортиши касалликни эрта ташхислаш маркёри эканлиги асосланган;

қонда 14-3-3η оксили миқдорининг ортиши бўғим синдроми билан кечувчи бошқа касалликларда кузатилмаслиги ва РАнинг эрта даври учун махсуслиги аниқланган;

РАнинг эрта даврларида гиперцитокинемия (IL-10 ва ЎНО-α), эрозив артрит ривожланиши ва касалликнинг рентгенологик белгиларнинг авжланиши негизида 14-3-3 η оксили титрининг ортиб бориши асосланган;

РАнинг эрта даврларида комбинирланган базис яллиғланишга қарши дори воситалар таъсирида ревматоид омил ва циклик цитруллинланган пептидга қарши антитаначалар миқдорининг камайиб бориши, 14-3-3η оксили эса ўзгармас кўрсаткич эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

РАнинг эрта даврларида касалликка хос бўлган бўғимларнинг симметрик зарарланиши кузатилмаган ҳамда беморлар қон зардобида ревматоид омил ва циклик цитруллинланган пептидга қарши антитаналар аниқланмаган ҳолатларда РА ташхиси инкор қилинмаслиги асосланган;

Эрта РАда касалликка хос бўлган типик бўғим синдроми кузатилмаган вазиятларда қон зардобида 14-3-3η оксилнинг қийматларини ортиши кузатилган;

РАнинг эрта босқичида ревматоид омил ва циклик цитруллинланган пептидга қарши антитаналар бўйича серонегативлик кузатилган беморлар қон зардобида 14-3-3η кўрсаткичларининг ортиши ҳамда бўғим синдроми билан кечувчи бошқа касалликларда аниқланмаслиги ушбу маркёрни

касалликнинг эрта даврида энг юқори сезувчанлик ва махсусликка эга эканлигини кўрсатган;

РАнинг эрта даврларида эрозив артрит ривожланган беморларда IL-10 ва \dot{Y} НО- α ҳамда 14-3-3 η оксиленинг титрларини ортиши касалликнинг рентгенологик авж олиб бораётганлигидан дарак бериши таъкидланган;

Эрта РАни даволашда комбинирланган БЯҚДВ қўлланилиши асосида клиник ремиссия кузатилган бўлсада, 14-3-3 η оксиленинг титрини ўзгармасдан қолиши уни касалликни эрта ташхислашда ишончли биомаркёр сифатида ҳисоблашга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотни амалга оширишда қўлланилган барча ёндашувлар, олиб борилган тадқиқотда фойдаланилган усулларнинг кенг ахборот бериш имкониятига эга эканлиги, назарий ва амалий жиҳатдан аниқлиги, тадқиқот объектларининг етарлилиги, замонавий ташхислаш усулларнинг қўлланилганлиги, ўзаро бир бирини тўлдирувчи клиник, анамнестик, биокимёвий, инструментал ҳамда статистик усулларига таянганлиги, олинган маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шу билан бирга, тадқиқот давомида олинган натижаларнинг маҳаллий ва хорижий илмий изланишлар билан солиштирилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эрта РАни клиник кечишини ўзига ҳослигини баҳолаш, касаллик ревматоид омил ва циклик цитруллинланган пептидга қарши антитаналарнинг аниқланиши бўйича манфий натижага эга бўлган вазиятларда уни 14-3-3 η оксидан фойдаланган ҳолда эрта ташхислаш, 14-3-3 η оксиленинг сезувчанлиги ва махсуслигини баҳолаш, 14-3-3 η оксиленинг бўғимлардаги деструктив-эрозив жараёнлар билан боғлиқлигини таҳлил қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти серонегатив РАли беморларда 14-3-3 η оксиди ёрдамида касалликни эрта даврларида аниқлаш орқали муқобил даво чораларини кўриш, эрозив артрит ривожланишини секинлаштириш, касалликнинг асоратлари ҳамда беморларнинг ногиронлигини олдини олиш ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. РАнинг эрта босқичларда клиник кечишини ўзига ҳос хусусиятларини таҳлил қилиш, базис даволаш фонида бўғим синдроми ҳамда лаборатор-асбобий кўрсаткичларнинг динамикасини баҳолаш ва касалликни эрта ташхислашга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ревматоид артритни 14-3-3 η маркёридан фойдаланган ҳолда эрта ташхислаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Ревматоид артритни 14-3-3 η маркёридан фойдаланган ҳолда эрта ташхислаш усули» услубий тавсиянома тасдиқланган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 августдаги 8 н-з/266-сон маълумотномаси).

Мазкур услубий тавсиянома ревматоид артритни 14-3-3η маркёридан фойдаланган ҳолда эрта ташхислаш имконини берган;

эрта ревматоид артритни комбинирланган патогенетик даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Эрта ревматоид артритни комбинирланган патогенетик даволаш усули» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 августдаги 8 н-з/266-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома эрта ревматоид артритни комбинирланган патогенетик даволаш усулларини такомиллаштириш орқали бўғимларнинг функционал фаоллигини яхшилаш, эрозив-деструктив ўзгаришларни олдини олиш, ногиронлик хавфини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

РАни эрта ташхислаш ва даволаш бўйича олинган тадқиқот натижалари Қорақалпоғистон Республикасининг кўп тармоқли клиникаси ревматология бўлимида, ТТА кўп тармоқли клиникаси ревматология, кардиоревматология, артрологик ИАДК бўлимлари ҳамда Қашқадарё вилояти Миришкор тумани тиббиёт бирлашмаси амалий фаолиятига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 08-09/18179-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши РАни эрта аниқлаш, касалликнинг ўзига ҳос клиник кечишини баҳолаш ва патогенетик комбинирланган даволашни мақбуллаштириш ҳамда ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 3 таси маҳаллий ва 4 таси халқаро илмий журналларда нашр этилган. Шу билан бир қаторда диссертация иши юзасидан 2та услубий тавсиянома, битта монография, битта рационализаторлик таклифи ҳамда битта ЭХМ дастури (DGU) яратилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш,

нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Эрта ревматоид артритнинг этиопатогенетик механизмларининг замонавий талқини, касалликнинг клиник кечишининг ўзига ҳослиги ва ташхислашнинг инновацион усуллари**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Бунда эрта ревматоид артритнинг этиопатогенези ва унинг клиник хусусиятларига замонавий қарашлар бўйича маълумотлар кенг ёритилган. Эрта ревматоид артритни ташхислашда замонавий лаборатор ва асбобий усулларга тўхталиб ўтилган. Шунингдек, ревматоид артритни эрта ташхислашда 14-3-3η оксиленинг диагностик аҳамиятига алоҳида урғу берилган.

Диссертациянинг «**Эрта ревматоид артритга чалинган беморларнинг тадқиқот методологияси ва уларнинг клиник тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот дизайни, материал ва тадқиқот усуллари, беморларнинг клиник тавсифи, умумий ва махсус текширув усуллари, текширув натижаларини статистик ҳисоблаши ва клиник материалнинг умумий белгилари келтирилган.

Клиник тадқиқот 2019-2020 йилларда Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси ревматология, кардиоревматология ва артрологик ИАДК бўлимларида олиб борилди. Тадқиқот ишига РАнинг эрта босқичи аниқланган 102 та бемор ва 20 нафар ТҚБ, 20 нафар ПсА ҳамда 20 та соғлом шахслар жалб этилди. Эрта РА билан касалланган беморлар I (асосий) гуруҳни ташкил этишди. Касаллик давомийлигига кўра ушбу гуруҳ 3 та гуруҳга бўлинди. 1-гуруҳ касаллик давомийлиги 3 ойгача бўлган 32 та беморни ўз ичига олди. 2-гуруҳ РАнинг кечиши 6 ойликкача бўлган 34 нафар, 3- гуруҳ эса касаллик 12 ойгача давом этиб келаётган 36 нафар беморлардан иборат бўлди. II (назорат) гуруҳ эса 20 нафар ТҚБ, 20 нафар ПсА ҳамда 20 та амалий соғлом кишини ўз ичига олди. РАнинг эрта босқичи беморларнинг шикоятлари, анамнези, клиник белгилари ва лаборатор ва инструментал текшириш натижаларига асосланиб қўйилди. РА ташхисини аниқлашда Америка ревматологлар уюшмаси ва Европа антиревматик лигасининг (ACR/EULAR) 2010 йилдаги диагностик мезонларидан фойдаланилди.

РА кечиши ва фаоллигини баҳолашда визуал аналогли шкала (ВАШ), DAS (Disease Activity Score) ва яллиғланишнинг ўткир фаза кўрсаткичларидан фойдаланилган. Бўғимларнинг функционал имкониятини баҳолаш учун функционал синфлар (ФС), HAQ ва Ричи индекслари аниқланди. Шунингдек, яллиғланишнинг ўткир фаза кўрсаткичлари, ревматоид омил (РО), циклик цитруллинланган пептидга қарши антитаналар (ЦЦПА) текшируви, 14-3-3η оксили, цитокинлар миқдори ҳамда бўғимларнинг рентгенологик ва МРТ текширувлари амалга оширилди.

Аутоантитаналар панелининг диагностикаси OLYMPUS (Япония) автоматик анализатори ёрдамида Ваалера-Розе усули билан миқдорий жиҳатдан аниқланди. РОни аниқлаш латекс агглютинацияси усули ёрдамида олиб борилди. ЦЦПА иммунофермент таҳлил асосида ORGENTEC Anti-

ССРPELISA (Москва) диагностик тест тизими ёрдамида аниқланди. Қон зардобидида 14-3-3η оксилни аниқлаш учун иммунофермент таҳлил усули қўлланилди. Текширувда MBS7254581- Human 14-3-3 η protein (YWHAN) ELISA Kit (АҚШ) тўпламидан фойдаланилди. Цитокинлар миқдорини ўрганиш иммунофермент таҳлил усули ёрдамида автоматик анализаторга эга, хемиллюминесцент биочип тизимида (Evidence (U.K.)) амалга оширилди.

Барча беморларда қўл панжалари ва оёқ қафт дистал қисмининг тўғри (олдинги орқа) проекциядаги стандарт рентгенографияси ўтказилди ҳамда РАнинг рентгенологик босқични аниқлаш мақсадида Steinbrocker модификация усулидан фойдаланилди. Майда бўғимлардаги деструкция жараёни Ларсен усули ва Шарп индекслари ёрдамида аниқланди. РАга хос бўлган у ёки бу радиологик белгилар аниқламаган беморларга қўл ва оёқ панжа бўғимларининг МРТ текширувидан ўтиш тавсия этилди.

Кузатувдаги 102 нафар беморлар жинси бўйича тақсимланганда аёллар 88 (86,2%), эркаклар - 14 (13,8%) нафардан иборат бўлди. Аёллар ва эркаклар нисбати 6/1 нисбатни ташкил қилди. Тадқиқот ишига жалб қилинган беморларнинг ўртача ёши $46,2 \pm 3,2$ ёшни ташкил қилди.


Олинган натижаларга статистик ишлов беришда STATISTICA StatSoft, 6,1–8,0 дастурий пакетидан фойдалинилди. Корреляцион таҳлилда Пирсоннинг корреляция даражаси (r) ёки Спирмен бўйича унвонли корреляция ишлатилди. 14-3-3η оксилнинг клиник экспрессиясини статистик таҳлил қилишда Манн-Уитни U-меъзони гуруҳлар орасидаги ўртача фарқларни солиштириш учун қўлланилган. Пирсон корреляцияси 14-3-3η оксиди билан ЭЧТ, СРО, DAS28, РО ва ЦЦПА титрларини ўз ичига олган клиник ва серологик кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш учун ҳисоблаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Эрта ревматоид артритнинг клиник-лаборатор ва инструментал хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида эрта РАнинг клиник кечишини ўзига хос хусусиятлари, унинг лаборатор ва инструментал таҳлиliga оид натижалар келтирилган. Шунингдек, РАга чалинган беморлар қон зардобидида РО ва ЦЦПАнинг учраш даражалари ҳамда РГ ва МРТ текширувларининг кўрсаткичлари ўртасида солиштира баҳолаш ўтказилган. Эрта РАнинг серонегатив ва серопозитив вариантларида ҳамда эрозив ва ноэрозив артрит аниқланган беморлар қон зардобидида цитокинлар миқдорининг ўзгариши таҳлил қилинган. Беморларда касалликка хос деструктив ўзгаришларни эрта ташхислаш мақсадида РГ ва МРТ текширувларининг сезувчанлигига қиёсий баҳо берилган.

76,3% беморларда турғун бўғим синдроми юзага келгунга қадар эрталабки карахтлик, ўтиб кетувчи артралгия, тез чарчаш/ҳолсизлик, оёқ ва қўл бармоқларининг увишиши, иштаҳанинг пасайиши каби эрта симптомлар кузатилди. Бирламчи кўрик вақтида 7,2% беморлар бўғим синдромидан ташқари мушакларда оғрик, озиш ҳамда иситманинг субфебрил даражаларгача кўтарилишига шикоят қилдилар. Гуруҳлар бўйича эрталабки карахтлик билан касаллик давомийлиги ўртасида тўғри корреляцион боғланиш аниқланди ($r=0,25$; $p<0,01$). Беморларнинг 29%ида касаллик


давомийлигидан қатъий назар, эрталабки қарахтлик умуман кузатилмади.

1-расмда кўрсатилганидек, касалликнинг давомийлиги ортиб борган сайин моно- ва олигоартритга шикоят қилган беморлар сони камайиб борди ($p < 0,05$), полиартрит билан зарарланиш кўрсаткичлари эса ўса бошлади ($p < 0,05$). Бўғим синдромининг таҳлил натижаларига кўра, касалликнинг дастлабки ойларида бўғимларнинг зарарланиши ассиметрик характерга эга бўлган, РА билан касалланиш давомийлиги ортиб борган сайин эса уларнинг зарарланиши симметрик тус ола бошлаган ($r = 0,25; p < 0,05$).



1- расм. Касалликнинг дастлабки йилида бўғим синдромининг кечиш динамикаси

РАли беморларда дастлабки зарарланган бўғимлар таҳлили шуни кўрсатадики, барча гуруҳларда касалликнинг давомийлигидан қатъий назар патологик жараёнга даставвал қўл панжа (42%) ва билак қафт бўғимлари (30%) тортилганлиги қайд этилди. Фақатгина 5 (5%) нафар беморда бир вақтнинг ўзида барча бўғимларнинг артрит/артралгияси кузатилди (2-расм).





2- расм. Бўғимларнинг дастлабки зарарланиш кўрсаткичлари (%)

Турғун бўғим синдромидан олдин кузатиладиган симптомлар асосан РО ва ЦЦПА бўйича серопозитив характерга эга бўлган РАда учради ($p < 0,05$). Тадқиқот натижаларига кўра, барча гуруҳларда касаллик аста секинлик билан бошланганлигини ҳамда ЦЦПА бўйича серонегативлик кузатилган беморларда бўғим синдромининг дебюти моно-олигоартритик характерга эга бўлганлигини кўриш мумкин ($p < 0,05$).

3-расмда тадқиқотга жалб қилинган барча гуруҳ беморларининг ўртача

HAQ индекси $1,05 \pm 0,03$ ни ташкил этганлигини кўриш мумкин, бу эса бўғимларнинг ўртача функционал етишмовчилиги сифатида баҳоланади ($p < 0,05$). Ричи индекси бўйича максимал кўрсаткич III гуруҳ ($26,6 \pm 0,8$), минимал кўрсаткич эса I гуруҳ беморларида ($15,6 \pm 0,3$) қайд этилди. Касалликнинг давомийлиги билан оғриқли ва шишган бўғимлар сони ўртасида тўғри корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланди ($p < 0,05$)(4-расм).




Изоҳ: * $p < 0,05$ - I гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишончли тафовут

3-расм. HAQ индекси бўйича бўғим синдромини баҳолаш (балларда)

Изоҳ: * $p < 0,05$ - I гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишончли тафовут

4-расм. Ричи индекси бўйича бўғим синдромини баҳолаш (балларда)


Касаллик фаоллигини DAS28 бўйича таҳлил қилганимизда, РА фаоллиги билан касаллик давомийлиги, HAQ, Ричи индекслари ўртасида тўғри корреляцион боғлиқлик кузатилди ($p < 0,05$; $p < 0,05$; $p < 0,05$). Унга кўра, касаллик давомийлиги кам бўлган, HAQ ва Ричи индекслари паст бўлган беморлар гуруҳида нисбатан паст фаоллик даражаси ($p < 0,05$), аксинча РА билан касалланиш муддати узок давом этган ва юқорида келтирилган кўрсаткичлари баланд бўлган беморларда (56.3%) эса фаолликнинг юқори кўрсаткичлари қайд этилди ($p < 0,05$)(5- расм).



5-расм. РАли беморларни DAS28 кўрсаткичи бўйича тақсимланиши (%)

Касалликнинг дастлабки йилида РО бўйича серопозитивлик ўртача 43%ни ташкил қилган бўлса, 57% беморлар қон зардобиди эса умуман аниқлангани йўқ ($p < 0,05$). Таҳлил натижаларидан, ЦЦПАнинг диагностик сезгирлиги РОдан анчайин устун эканлиги маълум бўлди. РАнинг эрта

босқичларида у 75% беморлар қонида аниқланиши қайд этилди ($p<0,05$) (6-расм).



6-расм. РАнинг эрта босқичларида беморлар қон зардобида РО ва ЦЦПАнинг учраш даражаси (%)

Эрта РАда цитокинлар профилини баҳолашда асосан IL-6, IL-10, ЎНО-а даражалари ва уларнинг диагностик аҳамиятга эга бўлган муайян кўрсаткичлар билан корреляцион муносабати ўрганилди. Эрта РАли беморлар қон зардобида IL-6, IL-10 шунингдек ЎНО-а нинг кўрсаткичлари соғлом шахсларга нисбатан ишончли даражада ошганлиги қайд этилди ($p<0,05$; $p<0,05$; $p<0,05$) (1-жадвал).


1-жадвал

Эрта РАли беморлар ва назорат гуруҳидаги шахслар қон зардобида цитокинларнинг учраш частотаси

Цитокинлар пг/мл	Соғлом шахслар (n=20)	Эрта РА (n=102)	Тафовутлар ишончилиги (p)
IL-6	13,89±14,56	32,31 ±1,6*	p<0,05
IL-10	6,23± 2,98	19,30±2,79*	p<0,05
ЎНО-а	7,72±3,98	41,11 ±9,96*	p<0,05

Изох: * $p<0,05$. Соғлом шахсларга нисбатан ишончли тафову


Шунингдек, РО ва ЦЦПА бўйича серонегатив ва серопозитив бўлган эрта РАли беморларда цитокинлар спектрини ўрганиш натижалари 7-расмда келтирилган бўлиб, унга кўра касаллик ҳар иккала кўрсаткич бўйича (РО ва ЦЦПА) позитив бўлган ҳолатларда IL-6, IL-10 ва ЎНО-а даражалари касалликнинг серонегатив вариантларига нисбатан анча баланд бўлиши қайд этилди ($p<0,01$; $p<0,001$). Бу эса уларнинг касалликни эрта босқичлариданок плазматик хужайраларда В-хужайраларнинг дифференцировкасида қатнашиши натижасида РОнинг пайдо бўлишида ва оксилларнинг цитруллинланишида фаол иштирок этишидан далолат беради.



Изоҳ: * $p < 0,01$, ** - $p < 0,001$ серонегатив бўлган беморлар кўрсаткичларига нисбатан ишонарли тафовут

7-расм. Эрта РАнинг серонегатив ва серопозитив вариантларида беморлар қон зардобида цитокинлар микдорининг таҳлили (n=102)


Қўл ва оёқ панжалари РГсининг таққослама таҳлилига кўра, РАнинг дастлабки рентгенологик меъзонларидан бири саналган бўғим олди остеопорози, кистасимон ёруғланиш, бўғим тирқишининг торайиши, шунингдек бўғимларнинг симметрик характерда зарарланиши касаллик давомийлиги 3 ойгача бўлган беморларнинг 1/3 қисмида қайд этилди ($p < 0,05$) (8-расм).



8-расм. Гуруҳлар бўйича касаллик давомийлигига кўра РАга хос рентгенографик белгиларнинг учраш частотаси (%)

Қўл ва оёқ панжаларининг МРТси РГга нисбатан юқори сезувчанлик ва спецификликка эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, бирламчи кўрик вақтида касалликка хос биронта рентгенологик ўзгаришлар аниқланмаган 20 нафар беморда МРТ текшируви ўтказилди. 9-расмда келтирилган маълумотларга асосан, эрта РАда энг кўп кузатилган МРТ белги бу бўғим бўшлиғига суюқлик тўпланиши ҳисобланиб, у беморларнинг деярли ҳамма қисмида қайд этилган (95,0%), ($P < 0,001$). Яллиғланиш суюқлиги кўпинча кафт

суяклари (94,7%) ва кафт панжа бўғимлари (73,6%), камроқ ҳолатларда эса проксимал фалангалар аро бўғимларда тўпланган (57,9%). Касаллик учун ҳос бўлган яна бир муҳим МРТ белги бу суяк кўмигининг шиши бўлиб, у асосан касаллик давомийлиги 3 ва 6 ойгача бўлган I ва II гуруҳ вакилларида қайд этилди. МРТ маълумотларига кўра, эрозив ўзгаришлар 9 нафар (46,9%) касаллик давомийлиги асосан 6 ва 12 ойгача бўлган II ва III гуруҳ беморлар гуруҳида қайд этилди. Касаллик давомийлиги турлича бўлган РАга чалинган беморларда теносиновитнинг аниқланиш частотаси бўйича ишончли тафовутлар аниқланмади ($p > 0,05$). Синовиал кобикнинг пролиферацияси паннуснинг шаклланганлигини кўрсатувчи белги бўлиб, у РАнинг кечиши 12 ойга яқинлашиб қолаётган беморларда касаллик давомийлиги 3 ойгача бўлган беморларга нисбатан 4 баробар кўпроқ қайд этилди (87,5% ва 20,0% мос равишда; $p < 0,05$).



9- расм. Гуруҳлар бўйича касаллик давомийлигига кўра РАга ҳос МРТ белгиларнинг учраш частотаси (%)


Диссертациянинг «Ревматоид артритни эрта ташхислашда 14-3-3η оксиленинг диагностик аҳамиятини ўрганиш» деб номланган тўртинчи бобида эрта РАга чалинган беморлар қон зардобидаги 14-3-3η оксиленинг касалликнинг клиник кечиши билан боғлиқлиги ҳамда касалликни эрта ташхислашда 14-3-3η оксиленинг сезувчанлиги ва спецификлиги аниқланган. Шунингдек, эрта РАга чалинган беморлар бўғимларидаги рентгенологик (МРТ) ўзгаришлар ва цитокинлар миқдорини 14-3-3η оксиленинг даражалари билан боғлиқлиги асосланган. Тадқиқот мобайнида эрта РАни БЯҚДВ билан даволаш фонида касалликнинг клиник фаоллиги ва артикуляр синдромнинг динамикаси ҳамда РО, ЦЦПА ва 14-3-3η титрлари ўртасида солиштирма баҳолаш ўтказилган. 14-3-3η оксиди билан беморларнинг клиник кўрсаткичлари ўртасидаги боғланишлар куйида келтирилган 3-жадвалдаги корреляцион коэффицентлар асосида таҳлил қилинди. Унга кўра, озиш, тана хароратини кўтарилиши ва миалгия кузатилган беморларда унинг диагностик аҳамиятга эга бўлган титрларини қолган касалликка ҳос белгиларга нисбатан ишончли тарзда ошганлиги қайд этилди ($p < 0,05$; $p < 0,05$; $p < 0,01$). Касаллик дебютида бўғимларнинг моно-олигоартрит ёки полиартрит ва симметрик зарарланиш билан бошланиши билан 14-3-3η оксиленинг қонда аниқланиши

ўртасида ишончли корреляцион боғланиш аниқланмади ($p > 0,01$; $p > 0,01$; $p > 0,01$). 14-3-3η оксилнинг қондаги миқдори билан эрталабки карахтлиқнинг давомийлиги, НАQ ва Ричи индекслари ўртасида ишончлилик бўйича кучсиз боғланиш ($p = 0,05$) қайд этилди, аммо DAS28, ВАШ индекслари ҳамда ЭЧТ ва СРО ўртасида корреляцион боғланиш ўрнатилмади ($p > 0,05$; $p > 0,05$; $p > 0,001$; $p > 0,001$). Бу ҳолат эса 14-3-3η оксилни мустақил диагностик маркёр сифатида баҳолашга асос бўлади.

3-жадвал.


Клиник-лаборатор ва иммунологик кўрсаткичлар	Корреляция коэф.	P
Миалгия (анамнезида)	0,39	<0,05
Тана ҳароратининг кўтарилиши (анамнезида)	0,37	<0,05
Озиш (анамнезида)	0,60	<0,01
Эрталабки карахтлиқнинг давомийлиги (мин)	0,28	= 0,05
Бўғимларнинг симметрик зарарланиши	0,58	>0,01
Моно-олигоартрит билан бошланиши	0,22	>0,01
Полиартрит билан бошланиши	0,20	>0,01
ВАШ индекси	0,31	>0,05
НАQ индекси (балл)	0,29	= 0,05
Ричи индекси (балл)	0,26	= 0,05
DAS28	0,27	>0,05

Касалликнинг дастлабки йилида РО бўйича серонегатив (57%) бўлган беморларнинг 98%ида ($p < 0,001$), ЦЦПА бўйича манфий натижага эга бўлган (25%) беморларнинг эса деярли 97%ида 14-3-3 η оксили аниқланди ($p < 0,001$)(10-расм).



10-расм. РО ва ЦЦПА бўйича серонегатив бўлган беморларда 14-3-3 η оксилнинг аниқланиш частотаси (%)


РАга чалинган беморлар қон зардобиди 14-3-3η оксилнинг миқдорини ўзгариши қуйидаги 11-расмда келтирилган.



Изох: * $p < 0,02$

11-расм. РАга чалинган беморлар қон зардобида 14-3-3 η оксиленинг миқдорини ўзгариши(Пг/мл)

Эрта РАли беморлар қон зардобида 14-3-3 η оксиленинг учраш частотасини касаллик давомийлигига кўра баҳолаш ўта муҳим эканлигини ҳисобга олган ҳолда, РО, ЦЦПА ва 14-3-3 η оксили ўртасида солиштирма баҳолаш ўтказилди. Унга кўра, касаллик давомийлиги ортгани сари РО ва ЦЦПАнинг қонда учраш частотаси ҳам ортиб борган бўлса ($p < 0,05$)($p < 0,05$), 14-3-3 η оксили билан касаллик давомийлиги орасида ишончли корреляцион алоқа ўрнатилмади ($p < 0,01$)(12-расм).



Изох: * $p < 0,001$ - I гурух кўрсаткичларига нисбатан ишончли тафовут,
** $p < 0,01$ - II гурух кўрсаткичларига нисбатан ишончли тафовут

12-расм. Гурухлар бўйича касаллик давомийлигига кўра қонда РО, ЦЦПА ва 14-3-3 η оксиленинг учраш частотасини солиштирма баҳолаш (%)

Ушбу маркёрнинг спецификлигини баҳолаш мақсадида унинг даражалари нафақат РАнинг эрта босқичларидаги беморларда балки назорат гуруҳига кирган 20 нафар соғлом шахсларда, 20 та ТҚБ ва 20 та ПсА билан оғриган беморлар қон зардобида ҳам текширилди. Эрта РАли 96% беморлар

кон зардобиди 14-3-3η даражаси (ўртача ва стандарт оғиш $2,72 \pm 1,75$ нг/мл) барча соғлом шахсларникига [$0,09 \pm 0,09$ нг/мл] ва ТҚБ ва ПсА билан касалланган беморларга нисбатан [$0,14 \pm 0,21$ нг/мл) ишонарли даражада баланд эканлиги аниқланди ($P < 0,0001$). Бироқ 14-3-3 η даражаси ТҚБ ва ПсАли беморларда назорат гуруҳидаги соғлом шахсларникига нисбатан ишончсиз равишда баланд эканлиги қайд этилди ($P > 0,0001$)(4-жадвал).

4- жадвал.

Кўрсаткичлар	Эрта РА (n=102)	ПсА (n=20)	ТҚБ (n=20)	Соғлом шахслар (n=20)	P
РО (IU/ml)	$78.73 \pm 0.61^*$	14.58 ± 9.46	20.09 ± 2.45	9.12 ± 7.36	$P < 0.0001$
ЦЦПА (U/ml)	$186.84 \pm 58.05^*$	4.06 ± 0.15	4.98 ± 0.70	2.95 ± 0.72	$P < 0.0001$
14-3-3η (ng/ml)	$2.72 \pm 1.75^*$	0.19 ± 0.8	0.17 ± 0.6	0.09 ± 0.02	$P < 0.0001$

Изох: *- $P < 0.0001$ Назорат гуруҳидаги беморлар кон зардобидидаги 14-3-3η оксилнинг кўрсаткичларига нисбатан ишонарли тафовут

